



Рус харбий бошкармаси 1852 йилда бир гурух картографлар (харитачи)ни Окмачитга юборди. Улар шу йили 16 апрелда калъа кўмондони буйруги билан ушландилар. 18 апрелда полковник Бларамберг (Бларамбергнинг рус харбий хизматида юрган вақтидаги муваффақиятлари хақида қаранг. Emil von Sydow, 1841 - 1871, 3-жилд, Берлин., 1872, 75-6.) 600 пиёда, 200 суворий ва 15 тўп билан Окмачит калъасининг девори ёнида пайдо бўлди. Уларнинг ҳужуми Кўкон жангчилари томонидан қайтарилди (Руслар., М.Т, 1944, № 54, 41-6.). Русларнинг 1250 суворий, 4 тўпчи батальони 36 тўп билан қилган иккинчи ҳужуми ҳам даф қилинди. Шундан кейин руслар нима бўлса ҳам шаҳарни қўлга олиш учун гайратларини аямадилар. Бунинг учун бир йилча ҳозирландилар.

1853 йили 3 июлда Перовский кўмондонлигида рус қўшинлари (2500 аскар, 12 казак бўлими, 52та кема ва 3бта тўп) калъани қуршаб олдилар. Калъада атиги 20 нафар Кўкон аскари, 280 фуқаро (эркак ва 83та хотин, шунингдек, 65 нафар бола бор эди. Калъа муҳофазачилари қаттиқ ҳимояга ўтиб, калъани русларга таслим қилмади. Окмачит ҳукмдори Яқуббек калъани вақтида тарқ этди ва ёрдам сўраб Кўконга борди.

Перовский калъа кўмондони Мухаммад Валига мактуб ёзиб, қуйидагиларни баён қилди. «Сизлар ичида бўлишингиздан қатъи назар Окмачит енгилди. Одамларимиздан бир қисмини қурбон қилиш ҳисобига сизнинг барчангизни йўқ қилиб ташлашга қурбим етишини ҳали кўрасиз. Руслар бу ерга бир кунга ёки бир йилга келмаган, билъакс абадий бу ерда қолиш учун келгандир ва орқага қайтмайдилар. Яшамок истасангиз, марҳамат қилинг, бўлмаса Окмачитда ўлишни истасангиз, бу сизнинг ишингиз, Сизга уруш таклиф қилиш учун бу ерга келмаганман, бу ерда калъа дарвозаларини очганингизча отишни давом эттираман». Кўмондон шундай жавоб берди: «Барут (порох)дан бир донаси қолгунча, қўчаларда бир дона кесак қолгунча

химояланамиз»(Vamberg, Geschichte Bocharas, 202-6.).

Шундан кейин шиддатли жанглар бошланди. 1853 йил 27 июлда руслар калъа деворларини портлатдилар. Калъа кўмондони, 206 нафар эркак ва аёллар ўлдирилди. Бошқалари ярадор бўлди ёки асир олинди(Макшеев, Исторический обзор, 203-бет.). Окмачитнинг ишгол килиниши(Руслар билан кўконликлар ўртасида Окмачит учун бўлган жанглар хақида қаранг: Макшеев, 183 - 207-6; №55,13 - 16-6; 202 -203-6; И. М. Казанцев, 111-127-6; Н. И. Анов, Акмечет., Алма-Ата, 1948 й; (кўлёзма муаллифи номаълум), 1860. Бу кўлёзма кутубхонасида сақланмокда, Дондон, сигн. 2999/33. Окмачит босиб олинар-олинмас, унинг номи Форт-Перовский деб ўзгартирилди ва Сирдарё теваараги маъмуриятининг ва харбийларининг марказига айлантирилди. Қаранг: Халфин. Присоединение, 6-6. Руслар Окмачитни босиб олиш билан Сирдарё йўлларида 240 милини назорат қилиш имконини ҳам қўлга киритдилар. Қаранг: 1967, 72-6; 15-бетида Окмачитни босиб олиш 1851 йилнинг 9 августи эканлиги хақида мунозара бор.) Туркистонда русларнинг босқинчилик сиёсатининг янги даврини бошлади; Русия ҳукумати Туркистонни асоратга солиш учун янги қадамлар ташлашга ўзида жасорат топди.

Оврупада бошланган уруш (Крим уруши) ва 1834 йилдан 1859 йилга қадар Кавказда имом Шомилнинг жасорати ва ҳуррият учун Доғистон (черкеслар) кўзғолонига қарши рус қўшинининг жавоб бериши русларнинг Туркистонга жадал қилиб боришига монелик қилди. Русларнинг мудоффа ва ички ишлар вазирлиги вақтинча ҳозирл ик қўриш билан қаноатланишга мажбур бўлди. Русиядаги урушқок доиралар Туркистон ишголи билан боғлиқ режалар устида қизгин тортишувлар олиб борар ва имкониятдан қилиб қилиб, овозасиз бир зафар қозониш тарафдори эдилар. 1856 йилда хорижий нозирлигининг Осиё бюроси мудирлиги вазифасига Егор Петрович Ковалевский қўйилди(Ковалевский Харьков университетида таҳсил олган. 1839 йилдаги Хивага қарши уруш иштирокчиси. 1847 йили Мисрда, Суданда, 1849 йили Пекинда бўлган. 1851 йилда Савдо битими юзасидан ҳамда Гулжа ва Чугучокда рус консуллиги очиш борасида хитойлар билан учрашди. 1853 йили Кора денгиз масалалари комиссарлиги тузди. Крим урушида тарихчи сифатида иштирок этди. Хомийлари у хақида шундай дейишган: «Ковалевский қисқа вақтда Осиё шўъбасининг раиси бўлди. Муваффақиятсиз Крим уруши ва Париж сулҳи русларнинг Шарқдаги сиёсатида қучли зарба берди. У рус обрўсини Гарбу Шарқда химоя қилиш йўлини биладиган қишлоқлардан бири эди». Халфин Присоединение, 98-6.). Рус жугрофия жамиятининг бошқиси П.П.Семёнов (Семёнов-Тяншанский) нинг Туркистон хақидаги илмий ишлари амалий ҳаракат учун қўлланилди(Рус жугрофия жамияти Туркистон ҳдвзаси хақида асосан Русиянинг ҳдрий сиёсати учун маълумот тўплаш билан машғул эди.).

Русия 1851 йили Хитой билан тузилган шартномасига кўра Хитой билан савдо ишларини қенг йўлга қўйиш, Гулжа ҳамда Тарбағатойда консулликлар очиш ҳуқуқини қўлга киритди. Бундан сўнг генерал И.Ф.Бабков 1852 йилда Или атрофини тўлиқ ишгол қилишни таклиф қилди. Чунки 1852 йили Гулжа шартномаси «Ўрта Осиёнинг ичкарасига қадар илгарилашда давом этишга имкон берарди»(Халфин, Политика, 42-6.). Бу таклиф ва режани бажариш қечикаётган бўлсада, рад этилмади. Князь А.И.Барятинский (Кавказ волиси) 1856 йил июлида подшо II Александрга Хазар денгизи билан Орол қўли оралигида Устюртдан ўтадиган темир йўл қуришни таклиф этди. Холбуки, Москва билан Петербург ўртасидаги илк темир йўл факат 1851 йили ишга тушган эди. Барятинский қуриладиган бу темир йўл Русиянинг савдо ишларини ва Марказий Осиёдаги сиёсий

нуфузини оширишига ишонарди. Бу таклиф 1857 йил 27 январида ҳукуматнинг (Ташки ишлар, Харбий ва Молия нозирлиги) фавкулудда йигилишида муҳокама қилинди. Хорижий нозири Горчаков инглизларнинг аралашуви эҳтимолидан қелиб чиқиб, Хазар денгизининг шарқи билан боғлиқ мавзуга бирон-бир қарор қабул қилишда эҳтиёт бўлишга эътиборни тортди. Оренбург бош волиси Перовский эса ко-зотларнинг русларга қарши қисми қўзғалиши мумкин деб, темир йўл қурилишига розилик бермади. Шунинг учун бу режа чуқур таҳдид қилинди. Чикарилган қарор мамнуният билан қабул қилинди. Барятинский бундан кейин шу йўналишдаги фаолиятини давом эттирди ва 1855 йил 16 февралда ҳукуматдан «Шарқ сиёсатида фаол қилинишлари» талаб этди. Унинг фикрича, агар Хазар денгизининг инглиз байроғи қўринса, бу ҳодиса Россиянинг Шарқдаги нуфузига ҳалокатли таъсир этибгина қолмай, Рус императорлигининг сиёсий мустақиллигига ҳам қўч-қўч зарба бўларди. Шунинг хисобига олиб, подшо ҳарбий нозирликка «Россия билан инглизлар орасида Ўрта Осиёда бўлиши мумкин бўлган тўқнашувлар ҳақида» бир ахборот тайёрлаш фармони берди. Бу хабарда Хиндистон ишғоли ниятидан воз қечиш лозимлиги факат Туркистонни ишғол қилишни тезлаштириш зарурлиги уқтирилди. Шу боисдан хорижий, ҳарбий ва молия нозирликлари Россиянинг сиёсий ва иқтисодий нуфузини ва Шарқ давлатлари билан бевосита мол айирбошлаш йўлини излади. «Бу фаолият (яъни, тижорат - муаллиф) подшо ҳокимиятининг Ўрта Осиёга тўғридан-тўғри қилиб бориши учун замин ҳозирлади (Халфин. Присоединение., 100-Б.).

Шу қаби тадориқлари билан рус ҳукумати Туркистонга илмий ва дипломатик хайъатлар жўнатарди. 1858 - 1859 йилларда Н.В.Хаников (Николай Владимирович Хаников (1822 - 1878) - Рус шарқшуноси, 1839 йили Оренбург бош волиси маъмурларидан. 1840 йили Осиё шўбаши таржимони. 1830 йил сентябри ва 1840 йил апрелида Хивага уюштирилган миссия раҳбари, 1840 йил майида Бухорода бўлади. Кавказда маъмур, 1853 йилдан Табризда бош консул. Қаранг: «Советское востоковедение», 1949, Л., 268 - 297-бетлар: Халфин. Политика, 82-6. Хаников русларнинг Туркистон сиёсати борасида қўйидаги асарларни яратган: «Описание Бухарского ханства», 1843 й.: «Пояснительные записки к карте Аральского моря и Хивинского ханства с их окрестностями», 1851 й.; Герат, «Сборник географических, топографических в статических материалов по Азии», Петербург, 1853.) бошчилигидаги бир хайъат Хуросонда фаолият қўрсатди. Этнографлар, геологлар, зоолог, тарихчи ва шарқшунослардан ташкил топган бу хайъатнинг мақсади аниқ эди. Бу хайъат юқоридаги сиёсий мақсадларни амалга оширишга замин ҳозирлади: «Шаркий Эрон, Афғонистон ва хусусан, Хирот ҳақида қенг маълумот тўплаши лозим эди. Асосий гоё - Россиянинг Марказий Осиёда ҳоким бўлишига йўл топиш (Рус ташки ишлар нозирлигининг Ханиковга юборган қўрсатмасида қўйидаги фикр бор эди: «Ўрта Осиёда бирор буюқ бир давлатга қарам бўлмаган ерларни эътиборсиз қолдириш мумкин эмас. Қиёсланг: Халфин.Н.А. «Политика», 82-6. Англия ҳам тахминан шундай фикрда эди: «Ўрта Осиё масаласи, ҳдқикатан ҳдм, бу ўлканинг тақдири нима бўлишидир. Улар мустақил бўлиб қоладиларми, йўқса Россия ёки Англия ҳокимияти остига олинандими?» Қаранг: 3-6.). 1858 йил 15 майдан 1859 йил декабрига қадар Хива ва Бухорога юборилган Игнатъев бошчилигидаги хайъатга алоҳида аҳамият берилди. Бу хайъатга 83 офицер (субай), дипломатлар, шарқшунослар ва бошқа қасбдаги қишилар қатнашди. Игнатъев Ўрта Осиёнинг ҳолати ҳақида маълумот тўпланиши, Хива ва Бухорога таъсир ўтқизиши ва хонликларда инглиз нуфузини қартараф этиш учун қоралар излаши қерак эди. Бу

«дипломатик» хайъат рус кемаларининг Амударёда катнашини ҳам таъмин этишга уриниши лозим эди. Русиянинг харбий нозирлиги дипломатик, сиёсий ва харбий хабарларнинг мажмуаси билан шахсан алоқадор эди. Игнатъев Бухоронинг Кўконга карши уруш очишга кўндириши ва бунга эришган такдирда Бухоро амирига Русиянинг химоясини ваъда қилиши керак эди. «Бухоро бу ҳолда Тошкентни ҳам босиб олади» деган шубҳа билан ташки ишлар нозирлиги бу фикрни рад этди. Факат харбий нозирлик Кўкон хонлигига карши урушда Бухоро хонлигининг жуда бўлмаганда бетараф қолишини таъминлашни талаб қилди. Бу хайъат Хива хонига совгалар келтириш бахонаси билан Амударё бўйлаб кемада юриш рухсатини олди. Игнатъевнинг ёнида Оренбург волиси Катениннинг Кўнгирот шаҳрида кўзголон кўтарган ёвмуд туркманларининг сардори Отамуродга аталган мактуб ҳам бор эди, унда Отамуроднинг Хивага карши кўзголонини қўллаб-қувватлашга ваъда берилганди. Хива хони Саид Мухаммад бу мактубнинг мазмуни билан таниш эди. Шу боис Игнатъев ташрифининг самимиятидан шубҳа қиларди. Хива хони 1859 йил 18 июлда Игнатъевни қабул этди, аммо Русияга ҳеч қандай тоовон бермади. Илк дафъа руслар Кўнгирот шаҳри ва тевагагининг харитасини туздилар. Игнатъевнинг орқага қайтишини мустаҳкамлаш учун Оренбургдаги хивалик савдогарлар қўлга олинди. Бу миссия (хайъат) 1859 йил сентябрида Бухорога келди. 16 октябрда амир Насруллох Игнатъевни қабул қилди. Амир Русиянинг эркин савдо қилишига ва рус кемалари Амударёга қиришини таъминлашга ваъда берди. Бунга жавобан, Игнатъев агар Бухоро Кўконга карши уруш очса, у вақтда Русия Бухорони қўллаб-қувватлашини айтди. Бу хайъат 1859 йил декабрида Оренбургга қайтди. Игнатъев хар икки хонликнинг харбий жихатдан заиф эканлигини билдирди. Шундан қелиб чиқиб, рус ҳукумати бу хонликка нисбатан дипломатик музокаралар ўрнига қурол қўллаш зарурлигига ишонч ҳосил қилди.

Игнатъев ҳали йўлда бўлган пайтда Оренбург бош волиси Катениннинг Кўкон хонлигига карши босқинчилик режаси ҳозирланди. У 6 декабрь 1858 йилда Сирдарё соҳилидаги Кўкон хонлигининг Чўлок шаҳрини ишғол этиш учун харбий нозирликдан рухсат сўради. Бу қалъадан кейин Туркистон (Ясси шаҳри), Чимкент, Авлиёота ва Тошкент шаҳарларини ишғол қилиш учун харбий таянч сифатида фойдаланилишига ишончи қомил эди. Шундан кейин 1859 йил январида тегишли доираларнинг йиғилишида Катенин истило режаси ва Игнатъев бошчилигида келтирилган маълумотлар натижаси муҳокама қилинди. Бу йиғилишда Ташки ишлар нозири Сухозанет, ГАРбий Сибирь бош волиси Гасфорд, Катенин, Ковалевский, Игнатъев ва бошқалар катнашдилар. Бу мажлисда Катенин урта мустаҳкам бандаргоҳ қуриш лозимлигини талаб қилди. Булар навбат билан Сирдарёдаги Чўлокда, Эмба дарёсининг қуйи оқимидаги Эмбада ва Янги ирмоғи бўйидаги Янгикўргонда бунёд этилади. Мажлис хайъати бу талабни қондирмади. Бунинг ўрнига аввал Орол қўлида, Кўкон ва Хива атрофида қучли флотилия бунёд қилишга қарор қилинди. Катениннинг режасига карши Игнатъевнинг бир дастури бор эди. Бу дастур 1890 йилга қадар Сирдарёнинг қуйи қисмини ишғол қилиш, Кўнгирот шаҳрида рус ҳокимиятининг бир «совгаси» - рус кемаларининг Бадахшон ва Балхгача етишини таъминлаш ва Туркистон (Ясса), Тошкент шаҳарларидаги Кўкон ҳокимиятига барҳам беришни кўзларди. Бу дастур маъқулланмаса ҳам унга ҳеч қим карши чиқмади. Факат рус ҳукумати 1859 йил 24 январда Гасфорднинг Чу ирмоғининг юқори оқими қесимида оид режасини қабул қилди. Бу истило режаси 1859 йили амалга оширилмади. Чунки Россия Австрия билан Франция орасидаги урушда Франциянинг ишончини қозониш учун тўрт армиясини Австрия ҳудудига ташлашга мажбур бўлди. Бунинг эвазига Туркистонда

учта муҳим тадбирга амал қилиш кўрсатмаси берилди. Бу кўрсатмалар қуйидагилардан иборат:

1. Оренбург ҳарбий кучларининг иккинчи қурилиш бошлиғи Дондевилле ҳарбий база учун қулай ер танлаш мақсадида Ҳазар денгизининг жанубий соҳилида изланишлар олиб боради.

2. Орол қўли флотилиясининг бошлиғи А.И.Бутаков Бухоро амирлигининг элчиси Нажмиддинхўжани қузатиш баҳонасида Кўнгирот шаҳрига боргач, вазиятдан қелиб чиқиб, бу шаҳарни қуч ишлатиб, қўлга қиритиши керак. Бунда подполковник (йорбой) Черняев ҳам 125 аскар билан қатнашмоғи лозим.

3. Қароргоҳ юзбоҳиси М.И.Венюков рус ҳарбий бирликлари билан Чу ирмогининг ўнг соҳилида маневр машқ (маневр) ўтказди. Асосий мақсад алдоқчи машқлар билан Пишпак қалъасини қўлга қиритиш.

Дандевилле база учун энг қулай ер деб бир вақтлар «Кадами шох» (Шохнинг излари) деб аталган Қизил сув мавзесини танлади. Бу мустақкам бандаргоҳ Красноводск номи билан факат 1869 йилга қелиб барпо қилинди. Бутаков муваффақиятсизликка учради. Бухоро элчиси Бутаков билан Амударёда рус кемасида сайр этишдан бош тортди. Бутаков Черняев бирликлари Кўнгиротга етдилар ва Хива хонлиғига қарши Мухаммад Фано бошчилигидаги кўзғолончиларни қўллаб-қувватладилар. Бутаков ўз идоравий тутумини шаҳарда ҳам қўллагач, кўзғолончи халқ билан руслар орасида қелишмовчилик вужудга келди. Шу сабабли Бутаковнинг бирлиғи 1859 йил июлида шаҳарни тарқ этишга мажбур бўлди. Венюковнинг ҳарбий машқлари натижасида июнь-июль 1859 йилда Олмаота (Верное) қалъасидан Кўкон ерларига 600 км ичкарилаб кетган бирликлари Чу баландлиғи, Тукмок ва Пишпак қалъалари ҳариталарини тайёрлаб, муваффақият билан тугаллади. Бу тарздаги истилоларда (1853 - 1854 йилларда) ўлкани ишғол қилишда бунёд қилинган Олмаота (Верное) қалъасининг, айниқса, роли катта бўлди (Оқмачит босиб олинган, рус ҳарбий бошликлари Или хавзасида қалъа қуришга қиритди.

Мингбоши Перемишский кўмондонлигидаги Кўпал қалъасидан чиққан бир ҳарбий қисм Олмаота воҳасида бир қалъа қуришни таклиф қилди. Бу қалъа 1853 - 1854 йилларда бунёд этилди ва «Верный» деб ном олди. Верный қалъаси Или хавзасининг Чу дарёсига қадар босиб олинганда жуда катта роль ўйнади. Бу қалъа воситасида Еттисув ўлкасида яшовчи 10 000 қирғиз оиласи рус ҳокимиятига қиритилди. 1856 йили Верныйга Сибирдан 132 казак оиласи қўчириб келтирилди. 11.IV.1867 йилда Верныйга шаҳар мақоми берилди. Қиёсланг. История Казахской ССР., 1., 350 - 351-бет.).

Инглизларнинг Кўкон, Бухоро ва Хивада нуфузли бўлиши ва Туркистонда савдо ҳамда сиёсий жихатдан устунлиғи фикри русларнинг истило хирсини қитиқлаб турарди. Рус ҳукумати 1857 йили Афғонистон амира Дўст Мухаммад инглизларнинг Афғонистон билан Бухоро орасида иттифок тузиш ҳақидаги таклифларини рад этганидан хурсанд бўлди. Шунга қарамай, инглизлар руслардан олдин Туркистонга қўчиб қелиб жойлашишдан Петербургдагилар кўрқардилар. Рус ҳукумати бошқа миллат раҳбарларининг заифлиғи ва софдиллигидан ҳар сафар фойдаланишни биларди. Русия 1858 йили яна Чин (Хитой) ўлкасининг Ўзбек Шарқидаги Амур атрофини қўлга қиритди («Die Zeit» Hamburg 28.11.1969, 11-12-б.). Англия ва Франциянинг Хитойдаги урушидан фойдаланиб, Игнатъев Пекинга борди ва 1860 йил 2 ноябрда Хитой билан шартнома тузди. Бу шартномага мувофиқ хитойлар рус молларини божсиз қиритиш мажбуриятини олдилар. Русларнинг Қошқарда консуллик очишга алоҳида қилишилди. Энди рус ҳукумати Хитойга ва Шарқий Туркистонга бевосита ёки бавосита қулай қиритиш

йўлларини билиб олган эди.

Кўкон билан Русия ўртасида узок муддатдан бери душманлик муносабати ҳукм суриб келганлиги учун Шаркий Туркистонга ва Хитойга Кўкон тупрокларидан ўтиб бўлмас эди. Ўтиш йўлини зурлик билан кўлга киритиш учун рус бош штаби Авлиёотани кўлга олишнинг режасини хозирлади. Кўкон бунга карши катта куч ташласа, Тошкент ҳам ишгол қилинади. Бош штаб фикри шундай нуктада тўхталган эдики, агар Русия Осиёдаги савдо-сотикда устунлик қозонишни истаса, Кўконнинг мавжудлигига барҳам бериши лозим(Халфин. Политика., 132-6.). Бу мақсадни амалга ошириш сиёсий ва стратегик жиҳатларни ҳисобга олиб, Кўконнинг бутун ҳаракат марказларини шиддат билан ишгол этиш билан эмас, балки аста-секин, шошмасдан босиб олиш маъқул, деб ҳисобланди. Подшо II Александр 1867 йилда Ўрусиянинг Туркистон билан боғлиқ келажақдаги ҳатти-ҳаракатлари учун расмий идораларга яширин ишоралар қилган эди. У шундай йўл кўрсатган эди: «Бизнинг шарқий ерларга интилишимиз фақат Сирдарёга қадар бўлмай, Эрон ва Ҳиндистонгача чўзилажакдир. Ҳозирга қадар забт этилган ўлкаларда мавқеимизни мустаҳкамлаб, Кўкон, Хива ва Бухоронинг бизга карши бирлашиб, бир армия таш-қил қилишига қаршилиқ қилиш лозим. Шу боис Кўкон ва Бухоро хонлиги билан ҳеч бир шартнома тузилмаслиги ва Бухоро амирлиги назоратимиз остига кириши учун ҳужум уюштирилиши керак»(МТ., 1944, №55, 16-6.).

Рус ҳдербий тузилмаси ва разведкаси уч хонликнинг бирлашиб, Русияга қарши бўлишининг олдини олишга интиларди. Ҳар ҳолда Туркистоннинг бу уч хонлиги бирлаша олмади ва Русияга хонликларни ишгол қилиш режаларини кетма-кет амалга ошириш учун қулайлик тугдириб берди.

Русия ва Кўкон 1852 йилдан бери қелиштириб бўлмас уруш ҳолатида эди. Фақат рус стратегияси хонликнинг ички муаммолар билан бандлигидан фойдаланиб, Кўконни кўшиб олиш учун режа асосида ўз ниятини амалга оширди(Anwar Khan, England, Russia and Central Asia, 37-6.). Рус ҳарбий саркардалари 1860 - 1864 йилларда ҳар қандай йўл билан катта жанг бўладиган жойларда уни маҳаллий аҳамиятга эга тўқнашувга ай-лантиришга ғайрат қилдилар. Кўкон кўшини мудофаага ўтди. 1860 йил 2 октябрда Қора Кастек ирмоғи бўйидаги Узун Оғоч жангидан сўнг тўқнашувлар ҳар икки томон учун ҳам юқори нуктага чиқди. Рус кўшинлари раҳбари Калпаковский, Кўкон кўшинлари бошлиғи Канот эди. 5000дан ортиқ аскарлар ҳимоя қилдилар. Булардан 1500 нафари шаҳид бўлди. Жанг натижаси ҳақида рус ҳарбий тарихчиси шундай ёзади: «Кўконликлар жасо-рат ва матонат билан жанг қилдилар, кўп ҳолларда юзма-юз жангга отилдилар»(Тўлик маълумот учун қаранг. Е. Т. Смирнов, Султон Кенесари, 8 - 11-6.). Кўконликлар рус тўпларининг оташи туфайли жангни ютқаздилар. Узун-Оғочни ишгол этиш билан руслар Еттисув ўлкасидаги энг муҳим мавқени кўлга қиритдилар. Узун Оғоч жангидан бироз аввал - сентябрда руслар Тўқмок ва Пишпак қалъаларига ҳужум уюштирдилар. Фақат бирор натижага эриша олмадилар ва гарнизонларини Вернийга қадар чекинтиришга мажбур бўлдилар. Шунинг учун зикр этилган қалъаларнинг ишғоли кейинги бир мақсад сифатида кейинроққа сурилди.

Рус раҳбарлари ҳар қандай жанг бошламасидан аввал босиб олинган ерларининг бирини иккинчиси билан боғлашга эътибор берар эди. Подшо I Николай 1851 йили Сибирь ва Оренбург қизикларини бирлаштиришга ҳам фармон берган. Бу топширик 1864 йилга қадар ҳам амалга оширилмади, чунки Оренбург чегара қизиги жанубда Орол қўли ва Сирдарёгача чўзилар эди. Шунинг учун бу икки қизикни бир-бирига боғлаш мумкин эмасди. Икки чегара қизикларининг боғланиши муаммоси анча вақтгача ҳал бўлмади. Рус

кўмондонлари Авлиёта, Пишпак ва Туркистон каби шаҳарлар фатх этилмагунча подшонинг 1851 йили берган фармони бажара олмаслигини яхши биларди. Оренбург бош волиси Безак 1861 йил 22 ноябрида Оренбург ва Сибирь чегара чизикларини Тошкентда бирлаштиришни ҳарбий нозирликка таклиф килди. Ўз фикрларини куйидаги далиллар билан исботлади: «Тошкент Русиянинг энг кулай чегараси бўла олади, Кўкон хонлиги Тошкентга таҳдид килган тақдирда, рус гарнизони Сирдарё ва Сибирь чегара чизикларидан ёрдам бериши мумкин. Тошкент босиб олиниши билан Сирдарёдаги бандаргоҳдаримиз мустаҳкамланади ва Сирдарёнинг юқори окимидаги ерларни босиб олишни тезлаштиради, айниқса, бизнинг козоклар (рус ҳокимияти бошқарувидаги козоклар назарда тутиляпти - муаллиф) билан Кўкон козоклари орасидаги тўқнашувларни бартараф этиш имконини беради. Бизнинг оладиган солиқларимиз ҳам кўпаяди. Туркистон шаҳри ишғол қилиниши билан унинг атрофидаги қалай конларига ҳам эга бўламиз. Бу металл бизда йўқлиги учун ҳам нихоятда зарурдир. Тошкент муҳим саноат шаҳри бўлиб, Бухоро, Хитой ва Русиядан келган қарвонлар учрашадиган ҳудуддир. Кўкон шаҳри бу ердан 150 верст узоқликда. Тошкент забот этилиши фақат Кўконни қўл остига олинишини эмас, балки Бухородаги нуфוזимиз ошишига ёрдам беради. Тошкентдан оладиган даромадларимиз Сирдарёдаги қалъаларимиз харажатларини, шубҳасиз, қоплайди». Безак яна ушбу мулоҳазани ҳам илгари сурди: «Тошкентни босиб олиш учун ҳар доим бир баҳона топилади» (Костенко. Средняя Азия, 149 - 152-б.). Безак бу фикрлари билан салафи Катениннинг истило сиёсатини давом эттириш ниятида эканини билдираётган эди.

Катенин 1858 йилдаёқ Чўлок, Янгикўргон, Туркистон каби шаҳар ва қалъаларни истило қилиш таклифини киритганди (Халфин, Политика., 121-б.).

Рус раҳбарияти 1861 йилга қадар Туркистоннинг тўлиқ истилоси мавзусида турли шахсларнинг ҳар хил фикрлари натижаси ўларок, бир фикрга келмади. 1861 йили кўпол ва тошбағирлиги билан машҳур бўлган Милютин Д.А. Русиянинг ҳарбий нозири бўлди. Безак ўзи билан ҳамфикр бўлган дўстга эришди. 1861 йили фев-ралида Дюгамели Сибирь бош волиси бўлди. Дюгамели юқоридаги икки уруш ташвиқотчиларининг рақиби эди. У Кўкон хонлигига сиёсий воситалар билан таъсир этиш мумкинлигига ишонарди. 1861 йилнинг август ойида генерал Игнатъев ташқи ишлар нозирлиги Осиё бюросининг мудирини бўлди. У ҳам Туркистонга қарши қуролли қуч ишлатиш тарафдори эди. Энди у киши (Милютин, Игнатъев ва Безак) Туркистон муаммоси ҳусусида ўз қарашларини ҳукумат раҳбарлари қўллаб-қувватлашига шубҳасиз ишонар эдилар. Туркистонни босиб олиш лойиҳаси яна асосий масала бўлиб қолди.

1862 йил 3 мартда Петербургда буюқ князь Константин бошчилигидаги махсус комиссия таклифи Безакнинг 1861 йилги режасини муҳокама қилди. Безакнинг лойиҳа қабул қилинди, фақат Тошкентни истило қилиш кейинга қолдирилди.

1862 йилнинг ёзида рус бирликлари Пишпакка бостириб бордилар, лекин Кўкон бирликлари томонидан оққа улоқтириб ташландилар. Руслар Пишпакни фақат 24 октябрда қўлга қиритдилар. Бу русларнинг 1862 йилдаги жуда зўр ғалабаси эди. 1863 йилда Польшадаги кўзғолон туфайли Русия катта таназзулни бошидан кечирди. Рус ҳукумати Англиянинг Польшани қўллаб-қувватлаши Русия билан Англия орасида уруш чиқишига олиб келади, деб ҳисобларди. Бу эҳтимолий урушни рус ҳукумати ўз фойдасига ҳал бўлишини таъминлаш учун Англияга қарши Шарқда рўпарў бўлишни танлади. Амударё ҳавзаси ва ҳусусан Хива хонлигини истило қилиш лойиҳаси яна олдинги лойиҳага чиқди. Кўконни эгаллаш учун олиб борилаётган юришлар вақтинча тўхтатилди.

Польшадаги исён сабабли Англия ва Русия ўртасида уруш чикмади. Русия энди ўзини Европада хавфсиз хис кила бошлади. Шу боис Кўконга кайтадан юриш бошлади. Рус ҳукуматининг махсус комиссияси 1862 йил 26 февралда Сирдарё ва Сибирь харбий чизикларини боғлаш бўйича қарор қабул қилди. Фақат бунинг учун ҳукуматнинг маблағи йўқ эди. Шунинг учун бу режа қулай вақтга қадар кечиктирилди.

1853 йилги Окмачит воқеасидан сўнг Кўкон хонлигида каттик саросима бошланган эди. Окмачит қўлдан кетгач, Тошкентнинг бегларбеги Муллабек (Кўкон хони Худоёрхоннинг биродари) рус босқинига қарши Кўкондан ёрдам истади. Ўзи эса русларга зарба бериш учун кичик бир бирликка бош бўлиб, тўғри Окмачитга йўл олди. Шу орада биродарига элчи (хабарчи) жўнатди. Худоёрхон биродари Муллабек менга қарши исён кўтарди, деб ўйлаб, элчини Кўконда қатл қилдирди. Худоёрхон ўз кўшинини русларга қарши юбориш ўрнига Тошкент сари йўллади. Бегларбеги Муллабек Бухорога ёрдам сўраб? мурожаат қилишга мажбур бўлди. Худоёрхон Тошкент ҳокимлигига Шодмонхўжани тайинлади. Тошкентнинг янги ҳукмдори Окмачитни озод қилиш учун ҳаракат қилиши керак эди. Окмачитда Кўкон қуролли қучлари бошида русларга қарши турган Шодмонхўжа у ердан улоқтириб ташланди. Шу боисдан у ва яна икки кўмондон Кўконга чақиртирилиб, ўлимга маҳкум этилдилар ва булардан Шодмонхўжа афв этилди. 1853 йили ҳукумат нозири Қосим мингбоши саркардалигида Кўкон аскарлари Окмачитга юриш қилдилар. Бу шахс ҳам муваффақиятсизликка учради. Окмачитнинг қўлдан кетиши Кўконда нихоят даражада саросима вужудга келтирди, чунки бу қалъа - шаҳар Русияга нисбатан Кўконнинг мустақиллиги рамзи эди.

1857 йили Авлиёотада хонликка қарши қозоқларнинг кўзғолони кўтарилди. Шу йили Қозондан Кўконга нуфузли дин арбоби бўлмиш Рустамхонхўжа келди. Бу зот Кўконда хонга қарши суиқасд уюштирди. Бу суиқасд режаси нозир Қосим мингбоши томонидан фош қилинди. Рустамхон Қоратегинга қочди ва у ерда Худоёрхонга қарши кўзғолон уюштирди. Қорасувдаги исёнчилар билан хон қучлари орасида жанглар бўлди. Бу жангларда хон қучлари енгилди. Аммо Рустамхон Кўкон ҳокими-ятини қўлга оладиган ҳолатда эмас эди, чунки унинг аскарлари ҳам Кўкон шаҳри учун бўлган жангда мағлубиятга учради.

Кўконнинг русларга қарши қурашда қадам-бақадам чекиниши ва секин-аста ўлкаларни қўлдан чиқариши Кўкон асилзодаларини ташвишга солди. Норозилар бошида Тошкентнинг собиқ бегларбеги Муллабек турарди.

Муллабек 1858 йили биродари Худоёрхонни тахтдан тушириб, ўзи хон бўлиб тайинланди. Маллахон иккаласи ҳам фавқулодда бир кўмондон бўлган Қанот Шох ва Алимқулларнинг ёрдами билан русларнинг Тўқмоққа (1860 йил 26 август) ва Пишпаққа (сентябр) ҳужумларини қайтаришга ҳаракат қиларди. Қисман бунга муваффақ ҳам бўлди.

Маллахон русларга қарши мудоффа тадбирлари билан банд бўлган бир пайтда тахтидан туширилиб, Бухорога қочган Худоёрхон Бухоро амири ёрдамида Кўкон шаҳрига ҳужум қилди. Бу сафар ҳам саросима ўзини кўрсатди. Маллахон биродарининг ҳужумидан сўнг ҳокимият тизгинини ўз қўлида бошқа ушлаб қололмади. Кейинрок Кўконда, яъни 1862 йил 1 мартда Маллахонни қатл қилувчи гурух ташкил қилинди. Бу гурухга Алимқул, Хидирбек, Шодмонхўжа, Худойназар, Дўст Мухтор ва Матиброҳим кирди. Бу гурух сўнгги одам қолгунча қурашиб, зўр бериб ғайрат кўрсатди. Шохмурод хон этиб, Шодмонхўжа (Тошкент бегларбеги) бош нозир этиб, сайландилар. Бу воқеалардан фойдаланган Худоёрхон Бухоро амирлигидан келиб, Тошкентни ишғол қилди ва ўзини қайтадан Кўкон хони деб эълон этди. Шохмуродхон ўзи қўшин бошида туриб, Тошкентга юриш бошлади.

Факат аскарлар орасидаги норозиликлар туфайли бирон-бир жангсиз оркага кайтишга тўғри келди. Кўмондон Алимкул 2000 аскар билан Кўкондан Андижонга борди ва бу ерда Худоёрхонга карши уруш хозирликларини кўра бошлади. Худоёрхон кўшинларини Асакада тор-мор килиб, Наманган ва Маргилон шаҳарларини кўлга киритди. Худоёрхон 1869 йилнинг илк баҳорида Бухоро кўшини ёрдамида хонликнинг бош кенти Кўконни ишғол этди. Бухоро амири Музаффар Кўконни Бухорога дахлдор деб эълон қилди. У Худоёрхонни Тошкентга ҳоким килиб тайинлади. Алимкул бу ҳаракатларни маъқулламади. У ўлдирилган Маллахоннинг Намангандаги 12 яшар ўғли Султон Саидни хон деб эълон қилди. Алимкул бош вакил бўлди ва хоннинг ноиблигини ҳам ўз зиммасига олди. Бу билан бутун ҳокимият Алимкул кўлига ўтди. Алимкулнинг қобилятли кўмондонлиги яққол сези-либ турарди(Khokand, 8-6., Наливкин., Краткая история., Nalivkin, Kratkaya istoriya, 182-6; Hayit, Oruslar, 42 - 43-6.).

Хонликнинг ҳаёт-мамотига руслар томонидан таҳдид солиниб турган бир вақтда Кўкон хонлиги юқори табакалари орасидаги бундай бемаъни тортишувлар мудофаа қобилятига зарба бўлди. Хонликдаги ички низолар Русиянинг катта галабасига сабаб бўлиши аниқ эди. Бирок хонлар ҳам, кўмондонлар ҳам тез-тез алмашилиб туришига ва уларнинг заифлашишига қарамай, Русияга қарши кураш давом этди. Нима бўлганда ҳам, Русиянинг истило ниятлари доирасига нисбатан бу қаршилиқ жуда ожиз ва режасиз эди. Кўконнинг мудофаага доир бош режаси ҳам йўқ эди. Русларнинг эса жуда аввалдан бери махсус босиб олиш режаси бор эди. Кўконнинг ҳарбий саркардалари (суворий, пиёда, эскирган тўплар, яқинда ташкил қилинган юзма-юз урушларга сафарбар қилинган ҳарбий оломон қаби) ўта заиф уруш услублари билан иш қўрди. Аммо шунга қарамай, хон аскарлари катта бир жасорат билан урушга отланар эдилар. Бу ҳолат рус хабарлари билан ҳам тасдиқланади.

Хонликда бош бошдоклик ҳукм сурган бир пайтда, рус ҳукумати янги ташаббус қўрсатди. Чор ҳукумати 1826 йил 23 декабрида Сўзок, Авлиёота, Туркистон ва Чимкентни ишғол қилиш учун Кўкон хонлигига қарши уруш режасини тайёрлади. 1863 йил мартда Оренбург разведка қароргоҳи кўмондони Черняевга Чўлокдан Туркистон шаҳригача бўлган масофадаги ҳаракатни кўлга олиши ва Орол кўли флотилияси кўмондони Бутаковга Сирдарё хавзасини тадқиқ этиш доир қўрсатмаси берилди. Сибирдан полковник Лерхага Авлиёота йўлларини тадқиқ этиш, қурилиш юзбоҳиси Проценкога эса Норин ирмоғи бўйлаб Қошқаргача бўлган йўлларни тадқиқ этиш топширилди. Ҳар қим ўзига топширилган вазифани адо этиши керак эди. 1863 йилнинг охирига қадар тадқиқ ишлари якунланди. Шундай қилиб, рус ҳарбий қисмлари 1864 йили ҳаракатни бошлашга улгурадилар. Кўкон ҳарбий қисмлари ҳам Алимкул кўмондонлигида мудофаа тадбирларини қўрди. 1863 йилнинг охирида Тошкент бегларбеги Нурмухаммад Сўзок, Авлиёота ва Чўлокқўргон (қалъа) шаҳарларини мудофаа салоҳиятини текшириш учун сафарга чиқди. Туркистон шаҳри ҳукмдори Мирзадавлат 2000 аскар тўплаб мудофаага хозирланди. Русларнинг режасига кўра, Окмачит билан Сўзок орасидаги алоқа нуқтаи назаридан Туркистон (Ясса) шаҳри алоҳида аҳамиятга эга эди. Бу шаҳар Сирдарё хавзаси ва хусусан, Тошкент мудофаасида ҳам Кўкон учун бекиёс аҳамиятга эга эди. Боскинчи руслар мудофаадаги кўконликлар 1864 йилда жуда кескин бир ҳолда юзма-юз қилишди. Нихоят, «Рус ҳарбий бошлиқлари Ўрта Осиё чегарасида, қозоқ даштларида ҳарбий қизиклардан ташкил топган қудратли разведка, қалъа ва мавзелар бунёд қилишга муваффақ бўлгандан сўнг»(Н. А. Кисляков.. Патриархально феодальные отношения., 11-6.) 1864 йилда асосий урушни бошлади.

1864 йил 1 майда Сирдарё рус чегара чизиги кўмондони полковник [албай] Веревкин аскарлари Туркистон шахрига, Черняев кисмлари эса Авлиёотага юришдилар. Веревкин харбий кисмлари Туркистон шахрини камал килди. Кукон бирликлари Сўзок мустахкам калъа беги Султон Содик (Султон Кенесариннинг ўгли) кўмондонлигида 10 июнда Туркистонга етиб келди. Султон Содик кисмлари 10 июнь кечаси русларга карши ўт очдилар. Кескин тўқнашувлар авж олган бир вақтда шахар раиси Жонти Утеп хиёнат килди. У 15 июнда шахар калитларини Веревкинга такдим килди. Руслар шахарга кирдилар. Шахар жангсиз таслим килинди(Казанцев., 130-6.; Кўконликлар мислсиз жасорат кўрсатиб жанг киларди. Уларнинг кўпчилиги калъа дарвозаларига ўзларини отар ва жонли тўсик хосил киларди. Дарвоза олдида жасад уюмлари хосил бўларди»). Бу хиёнатнинг оқибати ёмон бўлди. Руслар шахарни ишғол килгач, Султон Содик шахарни тарк этишга мажбур бўлди ва Чимкентга келди. Туркистон беги Мирза Давлат харбий кисмларидан орқада қолган аскарлар билан (2000 дан 300 тача аскар, бошқалар шахид бўлган) Тошкентга чекинди.

Айни вақтда (15 июнь 1864 й.) Кўкон кўшинларининг бош кўмондони Алимкул ҳам Чимкентга етиб келди ва бу ерда мудофаа тадбирларини кўрди. Черняевнинг харбий кисмлари тўрт кунлик жангдан сўнг Авлиёота шахрини ишғол килди. Шахар беги Ниёз Али қочишга мажбур бўлди. Алимкул уни кўрқоклиги учун қатл килдирди. Мана шу шароитда Алимкул Авлиёотада бир кўзғолон уюштирди. Кўзғолонда 1500 туркистонлик ва 500 рус вафот этди.

Русларнинг Туркистон шахри ва Авлиёотадаги ютуқлари рус ҳукуматига янада жасорат бағишлади. Харбий нозирлик Сирдарё бўйидаги Янгикўргон калъаси билан Чу ирмоғи орасида бир бўлим таъсис этиш на-тижасида Оренбург билан Сибирь мустахкам хадларини бирлаштиришга доир эски режани амалга ошириш кўрсатмасини берди. Кўкон харбий кисмлари Алимкул қўл остида Чимкентга йигила бошлади. Бу ердан Туркистон ва Авлиёота шахарларини қайтариб олиш учун ҳужум уюштириш ҳам лозим эди. Буни сезган Черняев Чимкентни босиб олишга шошилди ва 1864 йил 7 июлда Чимкентга юриш килди. Алимкул элчи юбориб, Черняевдан руслар босиб олган ерларидан чиқиб кетишини ва уруш оловига сабаб бўлмасликни талаб килди. Черняев эса: «Бу масала бўйича Русия ҳукумати кўрсатма берган ва бошлаган ишлари ҳам шунга мос эканлигини» қисқача баён килди. Рус ҳукуматининг ҳам Кўкон хонлиги фойдасига қарор қабул қилиши мумкин эмас эди, чунки бу босқинчиликка қатъи қарор берган ҳам, ҳусусан, шу ҳукуматнинг ўзи эди. Рус кисмлари Чимкентни қўшаб олдилар. Қонли жанглар бошланди. Шу тўғрисида 15 июлда Черняев Алимкулга элчи юбориб, ундан ўлган рус жангчиларининг жасадларини йиғиш учун ҳар икки томон ўт очишни тўхтатиш ҳақида илтимос килди. Алимкул мардлик қилиб, бу таклифга рози бўлди.

22 июлда қарши ҳужумга ўтган Алимкул ўз аскарлари билан рус харбий кисмларини Чимкентдан 40 км орқага улоқтириб ташлади. Зафар тантаналари бошланган бир пайтда Алимкул Бухоро кўшинлари тўғри Куконга қараб юра бошлагани хабарини олди. Хонликнинг бош кенти бўлган Кўконни ҳимоя қилиш учун қўшларининг бир қис-мини олиб, Чимкентни тарк этди. Кўкон қўшини Хўжанд ва Ўратепа учун энди Бухоро билан жангга кирди. Шундай қилиб, Кўкон қўшини икки жаҳдада уруш қилишга мажбур бўлди. Чимкентда Нурмухаммад 6000 аскар билан калъа кўмондони бўлиб қолди.

1864 йил 3 сентябрда рус қўшинлари 10,5 рота (бўлук), 2,5 казак ротаси ва 18 та тўп билан Кўкон ва Бухоро ўртасидаги урушдан фойдаланиб, Чимкентга юриш қилишди. 18 кун узлуксиз қонли ва дахшатли уруш давом этди. Руслар қўшаб чиқиб, 22 сентябрда

шахарни ишгол килишди. Черняев Чимкентдаги жанг натижалари хакида харбий нозирликка ахборотида Кўкон хонлиги билан урушни кечиктиришни таклиф килиб, шундай ёзади: «Бу хонликни йўк килган тақдиримизда, бир неча йилдан сўнг иккинчи бир Кавказ (имом Шомилнинг озодлик уруши назарда тутиляпти - муаллиф) майдонга келади(Халфин. Присоединение., 153-6.). Русия ҳукуматининг дипломатик сабаблар туфайли хали Тошкентни босиб олиш ҳозирча нияти йўклигига карамай, Черняев ўз ихтиёри билан Тошкентга юриш бошлашга қарор килди. Рус харбий қисмлари 1864 йил 27 сентябрда тўғри Тошкентга қараб юрди. 1 октябрда руслар ва муфти Муҳаммад бошчилигидаги Кўкон аскарлари ўртасида Тошкент яқинида дастлабки тўқнашув бўлди. Бунда руслар томонидан йўқотиш 15 улик ва 42 ярадор деб қўрсатилади(Бу йўқотишлар миқдори нотўғри берилган, деб биламиз, чунки мағрур генерал Черняев, бунча оз йўқотиш сабабли жанг майдонини ташлаб чиқмасди. Жангга 1550 аскар жалб килинганди.). Руслар Тошкентдан орқага чекинишларида улар билан бирга 3 мингга яқин маҳаллий сав-доғарлар ҳам қочдилар. Тошкент учун олиб борилган кейинги жангларда бу одамлар русларга жуда катта ёрдам қўрсатишди.

1875 санада ёзилган «Тошкентнинг янги тарихи» («Тарихи жадидия Тошкент») муаллифи Муҳаммад Со-лих Кори Тошкандий: «Бу бозор одамлари бойликка муккасидан кетган, хирсли ва очкўз кимсалардир»(Соколов, Ташкент, 13-6., Азадев Э. 72-бетда бутун савдоғарлар руслар тарафида эди, дейди. ИАН Таж ООН., 1967. Nol., 96-бетга қўра Тошкентнинг босиб олинмаган қисмидан руслар босиб олган қисмига 3000дан ортиқ савдоғар қочиб ўтди.) деб ёзганди. Тошкентдаги бу мағлубиятдан сўнг рус Тошкентни босиб олиш режасини амалга оширишни кечиктиришни лозим қўрди. Ҳозирга қадар истило килинган ерларда рус мавқесини мустаҳкамлашга доир қўрсатмалар берилди. Туркистонни истило этиш учун Россиянинг харбий ҳдракатлари билан бирга ташки сиёсати ҳам эътиборга лойик. 1864 йил 21 ноябрида Россия бош нозири Горчаков бутун Оврупо давлатларига оғзаки нота юбориш билан Туркистонни истило килиш ниятларини баён килди. Нотада асосий ургуни ушбу нуктага қаратди: «Осиё миллат-лари ошқора ва таъсирли обрўдан бошқа ҳеч нарсага ҳурмат билан қарамайдилар». Россиянинг Ўрта Осиёдаги ҳатти-ҳаракатлари Англиянинг, Франциянинг, Голландия ва АКШнинг ўз мустамлакаларига муносабатларидан фарқ қилади. Горчаков қўшиб олиш ҳаракатлари маданиятга ва осойишталикка хизмат қилишини ва бошқаларни билдирди(Бу номанинг инглизча ва французча матни 70 - 75-бетларида бор. Бу дипломатик нотанинг бошқа тавсифлари учун қarang: Казанцев., Казанцев, 134-6; R.A.Pierce, Russian Central Asia, 20 - 21-6.). Масалани очикча қўрсатган бу баёнот (асосан, Англиянинг Хиндистон юзасидан ташвишга туш-маслиги учун) Туркистонни босиб олиш билан боғлиқ масалаларда Россиянинг ташки сиёсатдаги вазиятини ҳам мустаҳкамлашини назарда тутарди. Россиянинг Туркистонни босиб олиш учун илгари сурган гоёларидан Англия ташвишга тушди, лекин бунга моне бўлиш учун ҳеч қандай ҳаракат қилмади(Хиндистоннинг Британия давлат маслаҳатчиси Сер Херпес Вуд 1865 йилда шуни очик-ойдин айтади: «Руслар Ўрта Осиёда қарагидан ортиқча ҳаракат қиляптилар. Уларни тўхтатиш имкониятини мен қўрмаймман ва буни эплай олишимизга ҳам ишонмайман». Киёсланг, Anvar Khan, 30-6. Инглизларнинг ўша давр обрўли ёзувчиси Арчилл: «Башарият манфаатларига зид қелмагунча, русларнинг Осиёдаги муваффақиятларига ачинмаймиз», - деб ёзганди. Киёсланг: Antagonismus, 89-бет.).

Рус баёноти қўлдан қўлга ўтиб юрган бир пайтда Кўкон хонлиги Туркистон шахрини қайтиб олишга аҳд қилди. 1864 йил 5 декабрида руслар билан Кўкон лашқари ўртасида

Иконда жанг бўлди. Жангда кўконликлар маглубиятга учради. 1864 йил охиридаги энг мухим воқеалардан бири Тошкентнинг шаркий қисми ҳукмдори Абдурахмоннинг руслар томонига қочиб кетиши бўлди. Бу ҳоин Черняевга Тошкент ҳақида жуда қўп зарур маълумотлар берди. Тошкент босиб олингандан сўнг у қўп вақтдан бери Русияга мол-дунё учун ўз Ватанини сотиб, жосуслик қилиб юрганлиги маълум бўлди.

Рус ҳукумати ташки дунёда Туркистон мавзuida бирон-бир жиддий рақиби йўқлигини, Кўкон қучлари Русияникидан анча заиф эканлигини ҳис этгач, янги юришлар уюштиришга аҳд қилди. Фақат аввалроқ босиб олинган ўлкалар идораси муаммоларини ҳал қилишни истарди. 1865 йил 25 декабрида алоҳида бир комиссия (ташки ишлар ва ҳарбий нозирликлар, Оренбург ва Ғарбий Сибирь бош волилари) йиғилиш ўтказди. Бу мажлисда Исикқўлнинг ғарбий соҳилидан Орол қўлигача бўлган ерларда Оренбург волилиги доирасида «Туркистон ўлкаси» ташкил этилиши ва унинг алоҳида ҳуқуқларга эга бўлган ҳарбий воли томонидан идора этилишига қарор қилинди. Бу ўлканинг илк ҳарбий волиси қилиб Черняев тайинланди.

1865 йил 12 февралда Русия ташки ишлар нозирлиги Оренбург бош волиси Крижановскийга қўрсатма юбориб, унда Ўрта Осиёда Русия чегараларини кенгайтиришга доир буйруқ берди. У яна агар Тошкент ҳалқи мустақил бўлиш гоёси билан Кўкондан ажралишни истаса, бу хоҳишни Тошкентнинг нуфузли қишлоқлари билан тез ва яширин алоқа ўрнатиш, ташвиқ этиш ва қўзғолон қўтарилган вазиятда русларга душман бўлган Кўкон хонига қисқа бир зарба бериш йўли билан қўзғолонни қувватлаш лозимлигини билдирди. 1865 йили 25 февралда бош воли Туркистон ўлкаси ҳарбий волиси Черняевга ҳар доим қўшни ўлкаларга босқин қилишга тайёр туриш, аниқ микдорда сайёр қучлар мавжуд бўлишини таъминлаш ҳақида фармон берди. Бундан ташқари, Черняевга яна кенгрок ҳаракат қилишда эркинлик ҳуқуқи ҳам берилди. Унга қўйилган шўшқалоқлик айби туфайли ва рус қўролли қучлари-нинг Тошкентдаги маглубиятидан сўнг бу шаҳарга бе-вақт, тайёргарликсиз юриш ман қилингани ҳолда Черняев Тошкент ишғоли юзасидан узок ва чуқур фикрга чўмди. Кўкон хонлигига қарши гина ва гаразга ботган генерал Черняев охири Тошкентнинг истилоси зарурлигига ўз ҳукумати ишонтирди. 1865 йил 20 апрелда рус қўшинлари Тошкентга ҳарбий юриш бошлади. Бу бирликлар 28 апрелда Чирчиқ ирмоғидаги Ниёзбек қалъасига етдилар. Қўн бўйи давом этган шиддатли тўп жангидан сўнг руслар қалъани забт этдилар. Черняев Тошкентнинг сув эҳтиёжини қондирадиган Чирчиқ каналларини тўсиб қўйди. Шундан кейин Тошкент сувсиз қолди. Айни замонда рус қўшинлари узлуксиз жанглардан сўнг 7 майга қадар қалъа деворларидан 9 км ичкарига илгариларди. 9 майда рус ва Кўкон лашқарлари орасида Ўратепада қаттиқ жанг бўлди. Бу жангда Қўкон ўрдаси бош қўмондони Алимқўл қаҳрамонларча шаҳид бўлди. Мудофаа қучлари Тошкентга чеқинди. Бухоро қўшинининг Тошкентга юриши эҳтимолини олдини олиш учун руслар Чиноз қалъасини ишғол қилдилар. Тошкент учун ҳаёт-мамот қўрашининг сўнгги нуқтасига етган бир пайтда Бухоро амирлиги лашқарлари Кўкон шаҳри томон юрдилар. У Хўжандни ишғол қилди ва Кўкон шаҳри дарвозаларига етиб борди. 15 ёшли Қўкон хони руслар билан кўконликлар орасидаги жанглар давом этаётган онда Тошкентда эди. Кўкон ташвиши туфайли у 10 майда Тошкентни тарқ этди. Алимқўл ўлимидан сўнг қўшинни бошқарадиган лаёқатли сарқарда топилмади. Тошкент мудофаачилари орасида қелишмовчиликлар бошланди. Бир гуруҳ (Алимқўл тарафдорлари) қўч Тошкент мудофааси учун тўпланиши зарурлигини, иккинчи гуруҳ эса уруш шаҳардан ташқарида бўлиши қарак, деб ҳисобларди. Султон Содик бошчилигидаги гуруҳ бўлса, русларни

оркага кайтариш учун Туркистон, Чимкент ва Авлиё-ота шаҳарларига хужум уюштириш керак, деган фикрда эдилар. Руслар шаҳар деворларига якинлаша бошладилар. Тошкент учун энг шиддатли жанг бўлиши шубҳасиз эди. Шаҳарнинг обрўли кишиларидан Солихбек Охунд, Хўжа Ахрор (мадрасанинг шайхул мударриси ва Тошкентнинг бош ҳокими Хакимхўжа ахолининг жинс ва ёшидан катъи назар, русларга қарши томчи қони қолгунча қурашишга чақирди. Ҳеч қандай ҳарбий таълим кўрмаган ЗООООдан ортиқ киши кўлларига тош, таёк ва ошпичок ушлаган ҳолда руслардан ўзларини ҳимоя қилиш ҳақида оғтирилди. Рус қисмлари 10 майдан 14 майданга шаҳар ичинини тўпга тутдилар. 15 майдан шаҳар деворларидан оғтириб туша бошладилар (Olzscha - Cleinov, Turkistan 56-57-6.). Жанг кўркинчли тус олди. Барча кўчаларда уруш кетарди. Ишончли рус қувоҳлари ифодалашига, кўчаларда қон қарё қабил оқарди. 16 июнда руслар бу муҳорабада қоғил қилдилар. Бу ҳақда Черняев Петербургга қурур билан шундай маълумот беради: «Тошкентни ишғол қилиш билан Ўрта Осиёда императорлик шарафига ва рус миллатининг қучига ярашиқ бир маъке қозондиқ» (Романовский., Заметки.. 162-6.). Тошкентни қосиб олиб, қонга қотиргандан сўнг ўзбошимча ҳаракатлари учун Черняев Петербург уни қечиритидан шубҳа қила бошлади. Шунинг учун Тошкентнинг етти нафар обрўли кишиларини қачириб (булар орасида Солихбек Охунд, Бердибой Сарқор, Хакимхўжалар қор эди), рус ҳокимиятини ихтиёрий қабул қилганликлари ҳақида рус қодшосига мақтуб ёзишларини тақлиф қилди. Қачирилган шахслар бу тақлифни рад этдилар. Шу туфайли уларнинг ҳаммаси ушланиб, Сибирга сургун қилинди. Ҳудди шундай усул билан 1865 йил 17 июнда Тошкентни қосиб олишда ҳизмат кўрсатган 31 қишига (тошкентликлар) муқофот берилди. Буларнинг орасида русларнинг эски айқонқиси Абдурахмон Шодмонбек, Абдурахим ва Саидазимбой Муҳаммад ўғиллари қор эди (Азадев., 74 ва 82-6.). Булардан Саидазимбойга «Русия фахрий ҳамшаҳарлиги» унвони берилди (Саидазимбой Оқмақит қосиб олинмасдан анча олдин Русия билан уюштирган савдо-сотик муносабатларининг салохиятли иштирокчиларидан эди. Уруш туфайли савдо ишлари анчагина оркага қетди. Савдо, қул туфайли у қиши сиёсатга аралашди ва руслар тарафини олди. Тошкент қон олиб, қон бераётган бир вақтда руслар тарафида турган қоин савдоқарларнинг ташкилотқиси ва қоявий раҳбари эди. У Черняев ва Романовскийларни Туркистон масалалари бўйича асосий қенгашқиси ҳам бўлди. Саидазимбой рус аскарларини қул, олтин билан ҳам таъминлаб турди (у Тошкент учун жанг ҳали тугамасдан рус қулини муомалага қирита бошлади). 1866 йили у рус қодшоси, Тошкент истилоқиси II Александр шарафига Тошкентда қоме қурдирди. Аслида, рус маҳаллий ақоли аралаш мақтаби (қозирги тарихий асарларимизда, демократик деб номланган адабиётимизда ҳушомадқўйларча мақталган бу мақтаб - рус-тузем мақтаби дейилиб, кейинроқ қала, аралаш, нотайин руспараст «маданият» қодимларини тарбиялашда муҳим роль ўйнади - таржимон) тузиш қояси ҳам шундан қикқан эди. Тошкент қосиб олингандан кейин бу ерга қелган қозонлик олим Қожи Юнусов «Фахрий ҳамшаҳарлик» муқофотини унинг қўлидан олган эди. Қиёсланг: Barthold, II, 1,5,303; Khokand, 12-6. Саидазимбойнинг икки ўғли - Саидқани, Саидқарим ҳар икқаласи руслар эрқатойи эди. Саидқарим 1910 йилгача 10 марта Тошкент шаҳар қенгашига «миллат вақили» бўлди. Саидқаримнинг ўғли Саидмаъруф Хаким Иқкинчи қохон уруши давомида Олмонияда (Берлин) яшади, сўнг Италия, АҚШда яшаб, 1958 йили Шўро иттифоқида қайтиб қабул қилишди. Саидазимбойнинг барча авлодлари русларга содиқ қолда ҳизмат қилди. Рус қосқинчиларининг барқоси (олапар) Саидазимбой Тошкентнинг Русияга «ихтиёрий қўшилиши» ҳдқидаги бўҳтоннинг далили сиқатида

ўлимидан кейин ҳам ўз хўжайинлари авлодларига ҳам содик хизмат килиб келмокда. Киёсланг: Hayit, Some Problems, 16 - 17-6.). Тошкент босиб олингач, рус махкамалари ташки ишлар ва харбий нозирликлар Тошкентнинг оммавий идораси муаммоларига дуч келди. Ташки ишлар нозирлиги Тошкентни Русия назорати остидаги бир хонлик бўлиши лозим деб ҳисоблади. Хонлик тузилиши шаҳарни ишгол килинишининг сиёсий томонини кучайтириши мумкин, деб ҳисоблаган Черняев бунга карши чикди. У Тошкент ва Сирдарё киргоклари Русия билан Кўкон хонлиги чегараси бўлиб қолишини талаб килди. Харбий нозир Милютин Черняевнинг карашини химоя килди. 1865 йилнинг сентябрь ойида Оренбург бош волиси Крижановский идора муаммоларини ечмок учун Тошкентга келди. Бу орада Черняев обрўли тошкентлик ва Русиянинг мухолифларини бартараф этган ва атрофига 55 нафар махаллий ишчан одамлар (бизнесмен)ни тўплаган бу мухтарам зот Русиянинг эски айгокчиси Саидазимбой эди. Улар Крижановскийнинг ҳузурида хонликни истамасликларини, аксинча, шаҳар рус химояси остида шариат конун-қоидаларига таяниб, бир бош ҳоким (қози қалон) томонидан идора этилишини хоҳдашларини билдириш билан бирга Черняевнинг ёрдамчиси бўлиб олдилар(Тошкент хонлиги тузилишига карши Саидазимбой 58 эътиборли савдогар номидан ўз «арзини» баён килди. У аввал ҳеч нарса ёзилмаган, тоза қозоғга уларнинг муҳрларини қўйдириб, кейин у бечоралар мутлақо беҳабар бўлган матн тузди. Киёсланг. Терентьев, История завоевания Средней Азии., - С-Петербург, 1906, 327-6.; Barthold, II. 1. 350-6: Халфин. Присоединение, 204-бетда бу «арзи ҳол»нинг бўлганлигига шубҳа билан қарайди.). Бу «арзи баён»ни рус раҳбарияти мамнуният билан қутиб олди. Русия Тошкентни ўзининг бадал шаҳари (муниципалитети) тарзида қўришни истар эди. Крижановский Тошкентни «Осиёнинг Ҳамбурги ва Франкфурти» дек ҳолатга келтириш билан дин пешволарининг нуфузини йўққа чиқармокчи эди. У савдо гуруҳини шакллантириш дин пешволарининг обрўсини туширади, деб ҳисобларди. Бу восита ҳамда икки томонлама савдо рус нуфузининг ортишига ҳам ёрдам берар эди. Шундан қелиб чиқиб, Тошкент идораси муаммоси билан боғлиқ қатор музокаралар тўхтатилди ва унинг ўрнига тижорат масалалари қўйилди.

1866 йил 8 январда савдо нозири Рейтерн «Тошкент ва Ўрта Осиё билан савдо қилиш учун бир ширкат тузилиши ҳақида» маълумот берди. 1866 йил 4 мартда бу ширкат тузилди ва ҳукумат ҳисса қозоғларининг (вексель) 50% ини сотиб олиб, бу ширкатга шерик бўлди. 1866 йил апрелида Тошкент ва бошқа забот этилган жой-ларнинг тегишли рус махкамалари хорижий ва харбий нозирликлар Тошкентнинг Русияга қўшиб олишга қарор килди. 1866 йил 27 августда Тошкентнинг Русияга қўшиб олинганлиги расман эълон қилинди. Шунинг билан ҳозирга қадар қўлланиб қелинган рус қўшиб олиш сиёсати тугалланди. Тошкентнинг «машҳур мухтарам ҳамшаҳарлари» фақат дин ишлари билан машғул бўлган ва ҳеч бир идора ҳақида эга бўлмаган бошқоқим ва шайхулислом билан бирлашдилар(Ҳакимхўжа 1864 йилда Султон Саид (Кўкон хони) томонидан қози қалон қилиб, унинг уқаси Ойхўжа эса Худоёрхон томонидан 1862 йили шайхулислом этиб тайинланган эди. Черняев ҳар икки ҳужжатнинг бу шахслар томонидан қўллаб-қувватланишига эришди. Киёсланг: Barthold, II. 1, 351-6. Фон Кауфман Ҳакимхўжа мумтоз бир инсон бўлганлигини ва Аллоҳдан бошқа ҳеч қимдан қўрқмаслигини қайд қилади. У 1877 йили вафот қилган. Бундан сўнг фон Кауфман қози қалон мансабини бекор килди. Ҳакимхўжанинг ўғли Муҳиддин (1902 й. ўлган) Тошкентнинг бир қисмига қозилик килди. Киёсланг: Barthold, II. 1, 359-360-6. Тошкент фуқароларининг идораси руслар учун алоҳида, махаллий аҳоли учун алоҳида ташкил қилинган эди. Махаллий

бюро бошлиги Саидазимбой эди. Бу бюро Саидазимбойнинг ўзи каби рус бюросига карам эди. Киёсланг: Khokand, 14-6.).

Тошкент учун жанглар давом этаётган бир пайтда Бухоро амирлиги Ўратепа, Хўжанд ва Кўконни забт этди. 1865 йил 10 июлда Тошкентдан кайтган Кўкон хони Саидхон микдор жихатдан кам сонли хос тўдаси билан Бухоро кўшинига карши урушишга мажбур бўлди. Бухороликлар томонидан банди этилган хон 1867 йили Жиззахда катл килинди. 14 июлда Бухоро амири Кўкон шахрини ишгол этди ва Худоёрхонни хон килиб тайинлади. Тошкентдаги зафардан сўнг руслар ўз диккати Бухорога қаратдилар. Улар 1866 йил 1 июнида 1865 йилдан бери Бухоро ҳокимияти кўл остидаги, аммо анча вақтдан бери хонлик ўртасида кўлдан кўлга ўтиб турган Хўжанд шахрини ишгол қилдилар. Бухоро томонидан кўллаб-қувватланган Худоёрхон ҳамма бирлашиб русларга карши курашадиган бир пайтда, Хўжанд ишгол муносабати билан Туркистон харбий волиси Романовскийга назокатли бир мактуб йўллаб уни қутлади. Хўжанд учун бўлган жангларда Бухоро амирлигининг 2500 навакири нобуд бўлди (Макшеев. 246-6.; Казанцев. 195-бетта биноан бухороликлар 2000га яқин аскар йўқотди.), рус кўмондонининг бир амри билан эса 1500 кўконликнинг боши кетди (Русларнинг Хўжанддан босиб олган қисмига 1866 йил 8 июнда Кўконда бир соатли катли ом ўтказишга рухсат бериб кўрилди. Бу қиргинда 6 ёшдан катта бўлган ҳар қандай одам ўлдирилиши мумкин эди. Бу ваҳшиёна қонхўрлик оқибатида 1500 кўконлик ўлдирилди. Шу аснода 400 рус ўлди. Қаранг: Khokand 24-6.). 1866 йилнинг март ойида Черняев Петербургга чакириб олинди ва ўрнига генерал Романовский қўйилди. 1866 йил тахминан июль ойининг охирида Романовскийга Петербургдан «Худоёрхонга Русиянинг бир вассали сифатида муомала қилиш» амри берилди. Фармонда: «Агар қучаниб бизга карши келадиган бўлса, яхшироқ бўлади. Бу билан у бизга ўз ҳаётини тугатиш учун қулайлик тугдирган бўлади», дейилган. 1866 йил 15 сентябрда Оренбург бош волиси Крижановский Романовскийга шундай кўрсатма жўнатди: «Кўкон билан боглик кўз ўнгида со-дир бўладиган ишлар... Хонликнинг Тяньшанга қадар орқада қолган ишгол этилмаган қисми ҳам рус мулки бўлажакдир». Бундан ташқари, Крижановский Кўкон билан ҳеч қанака битим тузмасликни билдириб, шу билан бирга қуролли қучларимиз томонидан бу ўлкалар ишгол қилиниши амалга ошгунга қадар Кўконни музокаралар билан қалғитиб туриш фойдалидир», деган бир кўрсатма берди (Olzscha-Cleinow, Turkestan, 77-6.). Бу кўрсатма ташқи ишлар нозири Горчаковнинг «эртами-кеч Кўкон хонлигининг ишголи» ҳақидаги оқ подшога 1864 йили жўнатган рапортга мос эди.

1867 йил 11 июлда Туркистоннинг ишгол этилган қисми масалалари билан боглик комиссия Милютин бошчилигида Туркистон бош волилиги ташкил қилишга қарор қилди. 17 июлда оқ подшо қарорни тасдиқлади ва охириги пайтларда Вильно бош волиси бўлган, асли немис генерал Константин фон Кауфман «Туркистон бош волиси» қилиб тайинланди. Бош волига ички, ташқи ва уруш билан боглик сиёсатда эркинлик ҳуқуқи берилди. Бу вазифада 1882 йилга қадар бўлган фон Кауфман ўз обрўсини сақлашга ва Русиянинг Туркистон ичкарасига қириб бориш сиёсатида астойдил хизмат қилди. «Ярим подшо» сифатида танилган мазкур шахс ўзига хос эҳтиёткорлик билан қадам-бақадам бутун Туркистон хонликлари бўйнига бўйинтуруқ осийшга муваффақ бўлди. Кўконга алоҳида диккат-эътибор берди. Аввало, Кўконга қарши бир жангдан ўзини тортди. Бунинг эвазига 1868 йил 13 февралда Худоёрхонга рус савдогарларига алоҳида бир эркинлик берган бир шартномага имзо чектиришга муваффақ бўлди (Бу савдо битимининг матни қуйидаги манбаларда бор: Vambery, Centralasien, 5,81-82;

Olzscha-Cleinow, Turkestan, 5.78. dipnot 74. Bartold II, 1, 39-бетига биноан Кўкон хонлиги бу битим воситасида Ўрусиянинг вассали бўлиб қолди.). Хон-лик Русия олдида ожиз ахволда эканлигини ўзи ҳам хис этарди.

Русия 1853 йилдан 1867 йилга қадар хонликни парча-парча қилиб, унинг қисмларини қўшиб олди ва Хўжандни қўлга қиритиш билан уни Бухоро хонлигидан ажратиб қўйди. Олмаотани олиш билан эса хонликнинг Қашқар билан алоқасини қучсизлантирди. Қукон ташқи дунёдан ҳеч бир ёрдам кўрмади. Русия билан Бухоро орасидаги урушда бетараф қолган Худойрхонга руслар содиқ бир вассал сифатида қарарди. Ана шу содиқлиги учун унга 1868 йилнинг ноябрида ҳукумат «1-даражали азиз Станислав» медалини берди. Бир қамонлар қучли давлат ҳисобланган Кўкон ва Бухоро елкасига Русиянинг ҳокимияти орқилганидан сўнг рус бош волиси учун бу иққаласи орасида ҳақам ролини ўйнаш қулайлашди. 1869 йилнинг сентябридан 1870 йилнинг мартигача давом этган урушдан сўнг Амир Музаффар Қоратегинни ишғол қилди. Номигагина Кўконга бўйсунган Қоратегин беги Шерали Қўлоб беги Сарихонни амирга қарши ҳаракатларни қўллаганлиги баҳона қилинди. Кўкон хони Худойрхон Қоратегин масаласида бош воли фон Кауфмандан ёрдам беришни илтимос қилди. Бу русларга жуда ёқиб тушди. Туркистон бош волисининг илтимосига кўра Музаффар Шералини тутқунликдан озод қилди. Бунинг эвазига Худойрхон ҳам Кўконда ҳудди шундай ҳолда тутқунликда бўлган Қоратегиннинг собиқ ҳукмдори Музаффаршоҳни озод қилишга мажбур бўлди. 1870 йилнинг март ойида Қоратегин Бухоронинг назорати остида мустиқил вилоят бўлиб қолиши ҳужжатлаштирилди. Бу қарордан сўнг рус қўшинининг Бухоро амирлиги тупроқларига қиршига қаршилиқ қилмаган ва Русия билан уруш олиб қоришдан чеқинган, амирга қарши пистирма урушлардан сўнг Кўконга қочган Шаҳрисабз беги Бобобек билан Қитоб беги Журабекни русларнинг илтимосига кўра, меҳмондўстлик одатига ҳилоф равишда, 1870 йилнинг августида Бухорога қориши билан халқнинг нафратига учраган Кўкон хони Худойрхон Русиянинг малайи бўлиш қаби бахтиқароликни хис қилди ва тақдирга тан берди.

Худойрхон руслар билан ватандошлари орасида 6 йил (1866 - 1872) баҳоли қудрат ҳукмини ўтқазиб қелди. Фақат 1873 йили (қўл остидаги одамлардан жудо бўлиб) қатор ноҳуш воқеалар муносабати билан ўзи билан ўзи овора бўлиб қолди. 1874 йилгача унга қарши қилинган кўзғолонларни бостириш билан овора бўлди. 1873 йили Наманганнинг шимол томонидан Пўлатбек Худойрхонга қарши олиб қорган урушда тахтини зўрга сақлаб қолди. Фақат қирғизларнинг Қутлуг Саид уруги Худойрхон билан бирлашиб, тўқнашувлардан сўнг Пўлатбек ва унинг тарафдорларини Қотқол тоғларига қувиб юборди. Пўлатбек фақат 1875 йилдагина ўзини хон сифатида қабул қилдира олди. Худойрхон заиф ва инжик ҳукмдор эди. Одамларни ўзига ёқиш ёқи ёқмаслигига қараб баҳоларди. Салтанатни бошқаришдаги уқувсизлиги билан боғлиқ латифалар ҳамон халқ оғзида (Бу латифаларнинг асоси «Худойрхоннинг дангасалари» бўлиб, мазмуни қуйидагича эди: Ўз қиртини қезиб қорган Худойрхон бир тўда ишсиз, дармони қуриган одамларга кўзи тушади. У вазиридан нега бу одамлар ишламайдилар, деб сўраганида, вазири: «булар дангасалардир», деб жавоб беради. Худойрхон шу ерда бу одамларни саройга қорлаб, давлат ҳазинасидан уларга маош тайинлайди. Ҳазина, табиийки, бўшаб қолади. Қора қўллашни вазирига буюради. Вазир булардан олдин саройда ўралашиб қурувчиларни ялқов эмаслигини ҳам синаб кўрмоқчи бўлади. Барчасини бир хонага тўплайди: уйнинг ичига янги сомон солиб, уни аста-секин ёндиради. Атрофга ёмон ҳид таралади. Қўпчилиқ хонани тез ташлаб қочади. Ичкарида фақат уч қиши қолади.

Уларнинг бири: «Ё Худо, мени ўзинг асра», деса, иккинчиси: «Мен учун ҳам илтижо кил», деганида, учинчиси: «Бунча махмадонасизлар», дейди. Вазир мана шу охиригисидан бошқа ҳаммаси хакикий ялқовлигини исбот қилади. Бу билан Худоёрхон теварагига ишламайдиган, лекин давлат ҳисобига яшайдиган одамлар йигилиб қолганлигини кўрсатмоқчи бўлади. Хоннинг қилмишлари ҳисобга олинмаса, хонликда маданий тараккиёт ва қурилиш ишлари давом этди: Улуғ Нор канали ва қарвонсаройлар қурилди. Халқнинг иқтисодий эҳтиёжи қондирилди. Бироқ халқнинг моддий таъминланган бўлиши Худоёрхонга қарши муҳолифлар бошлаган урушдан воз кечиш кераклигини аңлатмас эди. Хонга қарши қучларнинг қарши чиқиш сабаблари бор эди. Улар хон Русия тарафдори эканлиги натижасида хонлиқнинг секин-аста қарбод бўлишидан ташвишда эдилар. Қўзғолонни бошлаш учун бир баҳона қўзлаган бу қучлар баҳонани ҳам топдилар. 1875 йилнинг июль ойида, қўзда Қошқарга қориш учун йўлга қиккан полковник Скобелев ёнида бир дипломат Вайнберг бўлгани қолда ўзи қисмлари билан Қўкон шахрига қирди. Русларнинг Қўконда қайди бўлиши халқнинг қазабини қелтирди ва 7 августда Скобелевнинг қисмига ва хонга қарши қикишлар бошланди. Руслар ва хон қочиб, 8 августда қўрға Тошқентга етиб қелишди. Саидазимбой фон Кауфманга хавфсизлик мулохдзасидан қелиб қикиб, хонни Тошқентда ушлаб туришни тавсия этди, зеро, бу ер ақолиси уни зиёрат қила олар ва ўзини қутқара оладиган тарафдорлар топа оларди(Bartold, II, 1,394-6.). Фон Кауфман хон зиёратига борди, лекин собиқ хон бир ҳукмдор сифатида қакат оқ подшо билан учраша олишини қўз олдига қелтириб, қавоб зиёрати қилмади. Қизик, Худоёрхон зиёрат қутган одам ўзидан аңча қучли эканлигини билмасди. 1875 йил 11 августда фан Кауфман уни Оренбургга қўнатди, бу ерда у хибсга олинди. Худоёрхон Туркистоннинг бирор қойидан бошқана топа олмади. Бухоро амирлиги билан ора бузук эди. Ёқуббекка қарши қайқиятда бўлганлиги учун Қошқарга ҳам қета олмади. Оренбургдан қочишга муваффақ бўлиб, Эронга қетди. Бу ердан Маккага борди ва ниҳоят, Хирот атрофи-да ўлди(Togan, Bugiinkii, 229-6.). Русларга ва Худоёрхонга қарши қўтарилган қўзғолоннинг бошида қипчок беги Абдурахмон офтобачи турарди. Ундан бошқа нуфузли дин пешвоси Марқилон беги Исо авлиё ва Худоёрхоннинг биродари Султон Муродбеклар ҳам фаолият қўрсатдилар. Буларни Андижон, Наманганда ва ораларида Қўлатбек ҳам бўлган қирғиз уруғларининг беклари таъқиб этдилар. Қўзғолон бошқиси халққа қакирик билан муқожаат қилди ва русларнинг муслмон шахарлари Тошқент, Ўратепа ва Самарқандни қўлга қиритганликлари, у ерларда дин машъаласини сўндирганликлари ҳамда хондан қиход очишни илтимос қилиб, хомхаёлларга ва динга қзарар етқазганликларини билдирди. «Шунинг учун биз, бутун муслмон миллати, хондан қиход очишни илтимос қилдик, аммо у тўғри йўлдан озиб, руслар билан дўст бўлиш йўлини тутди, бирмунча совғалар қўнатди ва оқ подшодан «Хон қазратлари» унвонини олди. Беқарорлиги натижасида хомхаёлларга берилди, илтимос ва насиҳатларимизни инобатга олмади. Ўзини оқ подшога(Хозиргача «оқ подшо» атамасининг қандай қилиб Туркистонга тарқатилганлиги ўрганилмаган. Бу таъбир қар қолда қилд рангини иқодалаш учун қўлланилган.) бақишлади. Муслмон мамлақатларидан юз ўғирди. Ўз манфаатларини ўйлаб, қофир оқ подшонинг этагини тутди ва ниҳоят, биздан ажқалиб қолди. Бундан сўнг биз: барқа дин пешволари, олимлар, асилзодалар фуқаро бир овоздан қонунга қилоф бутун тадбирларни йўқ қилдик ҳамда мутлақ қудрат соҳиби Аллоҳ ва улуғ қайғамбарнинг ризолиги учун муқаддас урушга собиқ хоннинг ўғли Саид Муҳаммад Насриддинбекни саодатли бир онда тахтга қикариб, уни энг буюқ амиримиз деб қабул қилдик ва уруш

учун килич такдик. Бу масканда 200000-300000 киши тўпланади, ҳаммамиз энг ёшимиздан энг кексамизгача Аллохнинг ёрдамига таяниб, мукаддас урушни барчамизнинг бурчимиз сифатида эълон килмоқдамиз. Аллох рози бўлсин, сўнгги еримизгача руслар билан урушамиз, хакикат бўхтон устидан галаба қозонишига ҳеч кимнинг шубҳаси қолмасин»(J.Benzing, das Tiirkestanische. Volk, Wl. 1937, Band 19, 1937, 19, 101-6.).

Бу чакирикда Худоёрхонга айб очикчасига қўйилган, русларнинг кириб келишига қарши кураш асосий максад бўлган. Худоёрхон тахтдан туширилгач, Насриддин Бухорога элчи сифатида Саид Алихўжани жўнатди. Саид Алихўжа Тошкентда Азимбойга Насриддиннинг Россияга қарши фикрлари ифодаланган мактубини берди. Фон Кауфман рус қисмларига Кўкон хонлигига қарши уруш очиш ҳақида буйруқ берди. Рус харбийлари Хўжанддан 1875 йил 29 августда чиқиб, офтобачи бошчилигидаги Кўкон харбий қисмлари жойлашган Маҳрам қалъасигача етиб бордилар. Қўл остида 50 000 фидойи тўплаган Офтобачи шу пайтгача ишғол этилган жойларни озод қилиш учун ҳозирлик қўрарди. 1875 йил 22 августда Маҳрам қалъасининг тақдирини ҳал қилувчи жанг бўлди. Қалъада жуда кам қуролга эга бўлган 15 000га яқин одам бор эди. Фон Кауфман галаба қозонди. Офтобачи соғ қолганларнинг бир қисми билан чекинди(Абаза, 232-6.: «Офтобачи мудофаачиларнинг қахрамон қўмондони эди». Абаза 400 казак 10000 Кўкон суворийси устидан галаба қилишига шубҳа билдиради. Кауфман (Geschichte des Feldzuges Skobelovs., 75-6) асарига қўра, Офтобачига қарши жангда 16 бўлинма иштирок этган.).

1875 йил 5 сентябрда фон Кауфман исён етакчилари жойлашган Маргилон шаҳрига юриш қилди, сентябрнинг ўрталаригача уруш бўлди. Насриддинхон исёнчилардан урушни тўхтатиб туришни илтимос қилди. Мужоҳидлар бу илтимосга қўнди. Фон Кауфман Насриддинни хон сифатида тан олиши билан (фон Кауфманнинг билимдон дипломати Вайнберг Кўконни ишғол қилиб, ўз хоҳишига қўра хон тайин қилишини тавсия қилган эди) оз муддатда аҳоли ўртасида қўлдан кетган бутун ҳамма ерлар - Тошкент, Чимкент, Туркистон, Тўқмоқ, Оқмақит ва Пишпакнинг хонлиққа қайтарилиши хабари ёйилди. Бу ҳақли истакдан чўчиган руслар Кўконнинг мустақил қолган ерларида қучли харбий ҳаракат бошлашга қарор қилдилар. Туркистон бош волиси фон Кауфман Тошкентни ҳимоя қила олиши, хон-ликни яхшироқ назорат қилиши ва Россияни тоғ қирғизлари билан Қошқарга қарши позициясини мустаҳкамлаши учун ҳукуматида Туркистон бош волилиги чегараларини Наманганни ўз ичига олган ҳолда Норин дарёсига қадар узайтириш масаласини қўриб чиқишни илгари сурди(Халфин, Присоединение., 321-6.). Рус ҳукумати «Кўкон муаммоси ечими-ни» фон Кауфманнинг ўз ихтиёрига қолдирди. Фон Кауфман 1875 йил 22 сентябрда Кўкон хони Насриддинга бир шартномани айтиб турди. Бу шартномага мувофиқ Наманганни ҳам ўз ичига олган Сирдарёдан Норин ирмоғигача бўлган ерларни русларга топшириши, бирварақайига 600000 сўм товуқ бериши ва ҳар йили 500000 сўм тўлаб туриши ҳақида қарор бериши лозим эди. Руслар харбий ҳаракатларини давом эттиришди. 22 сентябрда Офтобачининг қучлари Андижонда русларга қарши кураш бошладилар. Фон Кауфман Намангандан Андижонга қараб юрди. 28 сентябрда Маргилонда русларга қарши исён бошланди. Насриддинхон исённи бостириш учун Маргилоннинг собиқ беги Муродбекни жўнатди. Муродбек у ерда ўлдирилди. Хон бу ҳаракати билан аслида, мукаддас уруш учун шайланган бўлишига қарамай, русларнинг иттифокчисига айланиб қолди. Шунинг учун унга қарши исёнлар ҳам қўпайди. Насриддинхон 1875 йили 9 октябрда маъмурлари ва 60

нафар тарафдорлари Хўжандга кочди. Шу боис кўзгалган халк Пулатбекни «хон» килиб сайлади. 16 октябрда фон Кауфман Хўжандга юрди, йўлакай Кўконни ишгол килди. 14 декабрда Пулатхон Кўконни озод килди. Рус кисмлари урушни давом эттирдилар. 1876 йил 20 декабрда Асакада руслар (русларнинг кўмондони Скобелев) билан туркистонликлар (кўмондонлари Офтоба-чи ва Пулатхон) ўртасидаги жангда руслар ютиб чикиб, «мукаддас уруш» гоёси тугагандай бўлди. Бош кўмондан Офтобачи асир олиниб, Скобелев хузурига келтирилди. Асака атрофида уруш давом этаркан, 1876 йили 21 январиди Насриддинхон Хўжанддан Кўконга юриш килди. У русларнинг ёрдамида яна хон бўлиб тайинланишини орзу килар эди. Унинг куруллик кучлари 11 январгача Кўконни камал килиб турди, сўнг Пулатхон харбий кучларининг кўмондони бўлган Абдуллабек томонидан улоктириб ташланди. Насриддин 28 январда Кўконда кўзголон кўтарилиши ва русларнинг якиндан ёрдам бериши натижасида 30 январда бу шаҳарни олишга муваффақ бўлди. Душманлари ўз бўйинларига аркон ташлаб, дор тагига келиб осилишларини илтимос килдилар(Olzscha-Cleinow, Turkestan, 82-6; Халфин. Присоединение. 325-6; Spuler, Geschichte, 261-6., 1876 йил 2 мартда руслар Насриддинни салтанатдан воз кечишга мажбурладилар. Barthold, II, 1, 393 - 398-бетларда «руслар Фаргона водийсидаги силжиши ҳақида кенг маълумот қолдирган.).

Кўкон хонлигининг рус ҳокимиятидан четда қолган қисмида халқ орасида яқдиллик мутлақо йўқ бўлган бир пайтда рус раҳбарлиги хонлиқни тамоман парчалаш режасини ишлаб чиқди. Фон Кауфман 1875 йил 6 декабрда Фаргонани тарқ этиб, Петербургга кетди. Кўкон хонлигидаги ҳаракатлар раҳбарлиги Скобелевга, Туркистон бош волилиги ишлари бўйича раҳбарлик эса Колпаковскийга топширилди. Кўкон хонлигини тўлиқ босиб олиш учун фон Кауфман харбий нозир Милютин воситасида рухсат олди. Милютин хонлиқ муаммосини бу сафар ташқи ишлар нозирлигини четлаб ўтиб, 1876 йил февралда тўғридан-тўғри оқ подшо II Александрдан хонлиқни мутлақо йўқ қилиш борасида «ўта махфий» қайдли бир фармон олишга муваффақ бўлди.

Скобелев етакчилигидаги рус аскарлари 1867 йил 8 февралда Кўконни босиб олди. Андижонда бўлган бир урушдан кейин Пулатхонни асир олди ва Маргилонда қатл қилдирди. Офтобачи оиласи билан бирга Сибирга, Насриддин эса Тошкентга сургун қилинди. Қаршилиқ кучининг бошқа раҳбарлари ҳам ушланди. Аммо уларнинг тақдири ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. 1876 йил 19 февралда оқ подшо Кўкон хонлигининг «Фаргона ўлкаси» номи билан Туркистон бош волилигига тобелиги ҳақида фармон эълон қилди. Скобелев бу ўлканинг волиси сифатида тайинланди.<sup>203</sup> Русиянинг бу зўравонлик тадбирлари руслар Фаргона водийсида ҳокимиятни ҳали қўлига тўлиқ ололмаганлигини кўрсатар эди. Хонлиқ тугатилгандан сўнг ҳам тўқнашувлар у ер-бу ерда давом этиб турди. Фон Кауфман 1876 йил 2 ноябрида Фаргона ўлкасини тафтиш этгандан сўнг халқ орасида норозилик ҳукмронлигини ва хонлиқни қўмсаб кучлилигини Петербургда баён қилди. У Кўкон хонлиги ҳали ҳам қатъий мустамлақага айлантирилмаганлигига қаноат ҳосил қилди. Скобелевга Олойгача бўлган ерларга ҳукмронлик қилишни топширди. Хонлиқ босиб олингандан кейин Олойда Алимбекнинг халафи сифатида Худоёрхондан «додхоҳ» (генерал) унвонини олган, Олой ҳукмдори, Алимбекнинг хотини Қурбонжон додхоҳ (1811 - 1907] салтанатда эди. Ташқи сиёсатда билимдон ва харбий қобилияти юксак бўлган бу туркистонлик асли қирғизларнинг гулчин уругидан бўлиб, «Олой қироличаси» унвонини олди ва 1876 йили Олойнинг мустанкиллигини эълон қилди(Олой қироличаси ҳақида қаранг: Hayit, Turkestan.im XX. Jahrhundert, 20-6. dipnot 22.). Скобелевнинг энг асосий вазифаларидан бири бу мустанкил

ўлкани босиб олиш эди. 1876 йил 25 апрелда Скобелев Ўшдан Олой водийсига карши харбий ҳаракат бошлади. Курбонжоннинг ўгли Абдуллабек кўмондонликни кўлга олди. Курбонжон ўгли Абдуллабекнинг мудофаа мавзеларини киргизларнинг алт уруги оксоколи бўлган Имонкули ошкор килди. Курбонжон додхох князь Витгенштайн қисмидаги мингбоши Янов томонидан асирга олинди ва Скобелев ҳузурига юборилди. Абдуллабек ога-инилари Махмуд ва Хасанлар билан бирга мудофаани давом эттирдилар ва Олойнинг ички томонига чекиндилар(Курбонжон додхохнинг тавсифи, қобиляти ва жанглари ҳақида Иван Ювачев, Курбанджан дадха кара-киргизская царица Алая., «Исторический вестник» (спб.1907 с.По, 5.945-980) мавзули мақолада муфассал маълумот берилган.). Скобелев Курбонжон додхохни алоҳида мулозамат билан қабул қилди ва эгилиб таъзим қилди. Курбонжон Скобелев атрофидаги рус ҳокимлари қуршовидан сесканмади ва чинакам қаҳрамон сифатида тик турди. Скобелев ундан жангги тўхтатишни илтимос қилди. Курбонжон бундан буюн ҳам ички ишларда боқимсиз қолиш шарти билан урушни тўхтатиши мумкинлигини билдирди. Скобелев бунга рози бўлди. Шунга мувофиқ Курбонжон Олойдан то Помирғача бўлган ерларда ҳаракат қилганини қўлга олди. Курбонжон ўгли Абдуллабекдан жангги тўхтатишни илтимос қилди. У бу илтимосга қўшничи истамасди ва мамлакатни тарқатишга мажбур бўлди. Мақкага кета туриб, йўлда ўлди. Олой водийсининг қироличаси Курбонжон 1907 йилда ўлгандан сўнг бу ўлка кичик маъмурий бирликларга бўлинди ва бошқа сарофларига идора ҳуқуқи берилмади(Abaza, 249-6.).

1876 йил 28 июлда Скобелев қўл остидаги рус қисмлари Олой водийсининг ичкарасига қараб юриди ва август ўрталарида Доранд Кўргонга етдилар. Витгенштайн бошчилигидаги бу бирлик киргизларнинг Ичкилик уругини қарама қилиш мақсадида Туз Олтин ирмоғи томон ҳаракат қилди. Бу ҳаракат муродига етди(В. Д. Джемгарчинов, Ваҳмий этап., 78-6: «Генерал Скобелевнинг Олойга юриши билан Россиянинг сўнги рақибининг қаршилиги бостирилди ва Жанубий Қирғизистоннинг Россияга қўшиб олиниши охирига етказилди»: Халфин «Присоединение», 329-бет: «1875 - 1876 йиллари Кўкон хонлигидаги урушнинг ниятидаги Олой юриши Ўрта Осиёнинг энг шарқда ва Помир этакларида Россия ҳокимиятини ўрнатишда ҳамда қирғиз халқи наздида русларнинг нуфузини ошириш борасида муҳим роль ўйнади»). Руслар 1876 йил августда Кўргонда ва яна 1894 - 1895 йилги Помир сарфарида қатта роль ўйнаган бир гарнизон тузишди. Улар бундан сўнг Бухоро амирлиги ҳимояси остидаги ярим мустанкил Қоратегин ерларига қўшиб қалди. Руслар энди тўғридан-тўғри Қоратегин ўлкасига қўшиб қўришни бошладилар. Бухоро амирлиги 1877 - 1878 йилларда Қоратегинни ишғол қилиб, ўзига қўшиб олди(Қоратегин Бухоро ва Кўкон хонликлари ўртасидаги ихтилофнинг сабаби эди. Бу ўлка сўнги март 1870 йилда Бухоро амирлиги томонидан ишғол қилинди. Русларнинг ўз манфаати йўлида уринишлари натижасида бу ўлка яна мустанкил бўлиб олди. Аммо ҳамон сиёсий жиҳатдан Бухорога, иқтисодий жиҳатдан Кўконга қарама эди. Бухоро амира 1876 йили Қоратегин ҳуқмдорини ўз вазифасидан четлатиб, ўрнига унинг ўғли Саидни тайинлади, бироқ у ҳам ўз отаси қаби мустанкил иш қўришга уринди. Натижада 1877 йили Бухоро амира Худойёр Назар оталик бошчилигида аскар қўриб, Қоратегинни қайтадан ишғол қилди. 1895 йилдан Қоратегинда ҳокимият тўлиқ руслар қўлига ўтди.). Кўкон хонлигининг Дарвоз беклиги ҳам Бухорога қўшиб олинди. Русларнинг Кўконни ишғол қилиб, хонлик сифатида тугатишлари ва Олой ўлкаси билан Тангри тоғ ҳавзасининг қарбий қисмига қадар эгаллашлари билан 1853 йилдан 1876 йилгача Туркистоннинг энг қирик қисмида давом этган 23 йиллик даҳшатли уруш тугади.

Ўша даврга оид тарихий манбалардан кўринадики, бу хонлик ичкарасида келишмовчилик, эскирган давлат тузуми, рус дипломатиясининг айёрлигига карамай, ҳеч бир муҳим мавкени (калъа, шаҳар, ҳаракат нуқталари) русларга урушсиз ташлаб кетмадилар. Аммо хонликнинг ҳарбий кучи заифлиги туфайли руслар ва уларга хизмат қилган бошқа миллатларга қарши узоқ муддат бардош беролмади. Уруш асносида хонлик 2 121 000 аҳолига эга эди. Буларнинг 1 521 000 нафарига 1876 йилга қадар Русия томонидан қуллик занжири боғланди. Аҳолининг қолган қисми эса (тақрибан 600 000 киши) 1868 йилдан 1876 йилгача бўлган урушларда иштирок этди (Костенко, Средняя Азия, 88-6.). Уруш вақтида руслар Туркистонда 63 000 аскарга эга эди (Grey York von Vartenberg, Rossi, 112-14-6.). Қувват нисбатида бундай фарқ бўлиши туфайли хонлик Русиянинг босқинчилик сиёсати олдида бардош беролмади. Русияга қарши муҳофаа урушида Фарғона қаршилиқнинг маркази сифатида ўз мавқеини ҳимоя қилди. Бу мавзуга кейинроқ яна батафсил тўхтаб ўтилади.

Др.Боймирза Хайитнинг  
"Туркистон Россия ва Хитой оралигида" китобидан